

**«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ  
Бошқарувининг 2021 йил 16 декабрдаги  
138/2 - сонли қарори билан тасдиқланган**

**2022 янги йил байрамига бағишланган мижозларни рағбатлантириш  
ТАРТИБИ**

**Тошкент – 2021 йил**

## **1. Умумий қоидалар**

1.1. Ушбу «2022 йил янги йил байрамига бағишиланган мижозларни рағбатлантириш» Тартиби (кейинги ўринларда – Тартиб) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартағи ПҚ-3620-сонли «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари тўғрисида»ги Низом (ЎЗР. Адлия вазирлигидан 2021 йил 3 апрелдаги 3294-сон билан рўйхатга олинган) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқукий ҳужжатлари ва «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ ички норматив-ҳуқукий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Тартибнинг асосий мақсади «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ чакана маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва Банк мижозларни рағбатлантиришдир.

1.3. Тартибда ишлатиладиган асосий тушунчалар:

<b>Банк</b>	«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ.
<b>Эмиссия</b>	Банк карталарини чиқариш.
<b>Банк карталари (Карта)</b>	Банк томонидан эмиссия қилинган HUMO ва UzCard (шу жумладан UzCard/UPI cobadge) тўлов тизимларида ишловчи банк карталари.
<b>Рағбатлантириш муддати</b>	2021 йил 20 декабрдан 2022 йил 31 январгача.
<b>Накдлаштириш амалиёти</b>	Банк карталари ҳисобракамларидаги пул маблағларини Банк томонидан ўрнатилган банкоматлар ва терминаллар орқали нақдлаштириш амалиёти.
<b>«Автосписование» модули</b>	Банкнинг автоматлаштирилган тизимининг бир қисми бўлиб, банк олдида қарздорлиги бор жисмоний шахсларнинг бошқа банклардаги карта ҳисобракамларини автомат тарзда излаб, уларнинг ҳисобварагидаги пул маблағлари эвазига қарздорликни сўндирувчи дастур.

## **2. Рағбатлантириш тартиби ва шартлари**

- 2.1. Банк, ўз мижозларини 2022 янги йил байрами арафасида рағбатлантириш мақсадида Банк томонидан ўрнатилган банкоматлар ва терминаллар (касса) орқали Банк карталаридаги пул маблағларини нақдлаштириш амалиётлари учун рағбатлантириш муддати давомида комиссион хақ ундирамайди.
- 2.2. Рағбатлантириш муддати давомида эмиссия қилинган Банк карталари рағбатга эга бўлиши учун Рағбатлантириш муддати давомида ушбу Карта ҳисобракамида ўртacha 1 000 000 (бир миллион) сўмдан кам бўлмаган миқдорда пул маблағларини сақлаши шарт. Акс ҳолда, ушбу Банк карталаридан пул маблағларини нақдлаштириш хизмати учун комиссион хақ тўлиқлигича Банк тарифларига мувофиқ ундириб олинади.

- 2.3 Ушбу Тартибнинг 2.2. бандида кўрсатилган шартлар бажарилганлигини аниқлаш формуласи қуйидагича:

$$Д=У/К$$

Д – Рағбатлантириш муддати давомида Банк картаси ҳисобрақамидаги ўртача қолдиқ суммаси;

К – Рағбатлантириш муддати давомида Банк картаси амал қилган кунлари сони;

У – Рағбатлантириш муддати давомида Банк картаси амал қилган кунларидағи қолдиқ суммаларнинг умумий йиғиндиси.

Ўртача кунлик қолдиқ суммасини хисоблашда Рағбатлантириш муддати давомидаги Банк иш кунлари охирига қолдиқлар йиғиндиси ҳисобга олинади.

Масалан:

*Банк картаси 2022 йил 1 январ куни эмиссия қилинган. Демак, карта Рағбатлантириши муддати давомида 31 кун амал қилган. Ушбу 31 кун давомида ҳар Банк иш куни охирига картанинг қолдиги 1 миллион сўмни ташкил этган. Демак, Банк картасининг 31 кунлик умумий қолдиги 31 миллион сўм. (Дам олиши кунларидағи қолдиқ дам олиши кунидан бир кун олдинги иш кунидаги қолдиқ бўйича ҳисобга олинади).*

$$31\,000\,000 / 31 = 1\,000\,000 \text{ сўм.}$$

Яъни Банк картасининг умумий қолдигини карта амал қилган кунлар сонига бўлинганида ўртача кунлик қолдиқ 1 000 000 сўмни ташкил этади ва шарт бажарилганлиги аниқланади.

- 2.4 Куйидаги Банк карталарига ушбу Тартибнинг 2.2. бандида кўрсатилган шартлар тадбиқ этилмайди, яъни рағбатга эга бўлиш учун қолдиқ сақлаши талаб этилмайди:

- Рағбатлантириш муддатидан олдин эмиссия қилинган Банк карталари;
- Пенсионерларнинг пенсия Карталари;
- Рағбатлантириш муддатидан олдин эмиссия қилинган Банк карталарининг муддати ўтганлиги, йўқолганлиги, шикастланганлиги сабабли уларнинг ўрнига Рағбатлантириш муддати давомида қайта эмиссия қилинган Банк карталари;
- Рағбатлантириш муддатидан олдин эмиссия қилинган Банк карталари ҳисобрақамига боғлаган ҳолда қўшимча эмиссия қилинган Банк карталари;
- Рағбатлантириш муддатидан олдин эмиссия қилинган UzCard Банк карталарининг муддати ўтганлиги, йўқолганлиги, шикастланганлиги сабабли уларнинг ўрнига Рағбатлантириш муддати давомида янги эмиссия қилинган UzCard/UPI кобейдж Банк карталари.

### 3. Комиссион ҳақ ундириш

- 3.1. Рағбатлантириш муддати давомида Банк томонидан ўрнатилган банкоматлар ва терминаллар (касса) орқали пул маблағларини нақдлаштириш амалиётларини бепул амалга оширган ва ушбу Тартибнинг 2.2. бандида кўрсатилган шартларни бажармаган Банк карталари ҳисобрақамидан кўрсатилган хизматлар учун комиссион ҳақ ундирилади.

- 3.2. Комиссион ҳақ ундириш Рағбатлантириш муддати тугаганидан сўнг 10 банк иш куни ичидаги акцептсиз тарзда комиссион ҳақ ундирилиши керак бўлган кундаги Банк тарифларига асосан амалга оширилади.
- 3.3. Рағбатлантириш муддати тугаганидан сўнг 10 банк иш куни ичидаги филиаллар ва Амалиёт бошқармаси Пластик карталар бўлими томонидан ушбу Тартибнинг 2.2. бандида кўрсатилган шартларни бажармаган Карталар рўйхати тузилади, рўйхатдаги ҳар бир карта бўйича ундирилиши лозим бўлган комиссион ҳақнинг микдори аниқланади ва Карта ҳисобрақамидан акцептсиз ундириб олинади.
- 3.4. Ушбу Тартибнинг 2.2. бандида кўрсатилган шартларни бажармаган Банк карталари ҳисобрақамида комиссион ҳақни ундириш учун пул маблағлари етарли бўлмаса, филиаллар ва Амалиёт бошқармаси Пластик карталар бўлими томонидан ушбу карталар «Автосписание» модулига киритилади.

#### **4. Якуний қоидалар**

- 4.1. Филиаллар ва Амалиёт бошқармаси зиммасига Рағбатлантириш муддати давомида Банк карталарини очиш учун ариза берган мижозлардан ушбу Тартиб 1 – сонли иловасига мувофиқ қўшимча ариза олиш вазифаси юклатилсин.
- 4.2. Бизнесни ривожлантириш ва ОАВ билан алоқалар бўлими зиммасига ушбу Тартибнинг (3 ва 4 бўлимларидан ташқари) Банкнинг Вэб – саҳифасига жойлаштириш вазифаси юклатилсин.